

2020-2021 ўқув йили учун Фавқулодда ёрдам шакли



Илтимос, кўринадиган қилиб ёзинг. БАРЧА саволларга жавоб беринг ва шаклни фарзандингиз мактабига қайтариб юборинг.

Бу манзил ўзгариши (Ушбу шакл билан 2 та янги яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжат юборинг).

Ўқувчининг фамилияси: _____ Ўқувчининг исми: _____ Ўрта исми: _____

Кўча манзили: _____ Почта индекси: _____ Уй телефони рақами: _____

Жинси: _____ Туғилган санаси (ой/кун/йил): _____ Синфи: _____ Мактаб: _____

Ўқувчи кимлар билан истиқомат қилади

Мос келувчи барчасини белгиланг. Кун давомида боғланиш мумкин бўлган инсонларнинг исмлари ва телефон рақамларини ЁЗИНГ.

Асосий боғланилувчи шахснинг телефон рақамида ўзгариш бор.

Асосий васийнинг ўзгариши. (Қўшимча ҳужжатлар талаб этилиши мумкин)

Онасининг исми: _____ Телефон: _____
 Уй Уяли Иш Бошқа
Электрон почта манзили №1: _____ Электрон почта манзили №2: _____

Отасининг исми: _____ Телефон: _____
 Уй Уяли Иш Бошқа
Электрон почта манзили №1: _____ Электрон почта манзили №2: _____

Васийнинг исми: _____ Телефон: _____
 Уй Уяли Иш Бошқа
Электрон почта манзили №1: _____ Электрон почта манзили №2: _____

Фавқулодда боғланиладиган шахслар

Касаллик ёки жароҳат олиш ҳолатларида, ота-она/васий билан боғланиш имкони бўлмаганда, боғланиш лозим бўлган шахснинг исмини ЁЗИНГ. Ушбу маълумотни тақдим этиш орқали, сиз фавқулодда ҳолатларда қуйидаги шахс ёки шахслар билан боғланишимизга руҳсат берасиз.

Фавқулодда боғланиладиган шахсларнинг ўзгариши

Жорий шахснинг фақат телефон рақами/электрон почтаси ўзгарган.

Исм №1: _____ Телефон: _____
 Уй Уяли Иш Бошқа
Манзил: _____

Исм №2: _____ Телефон: _____
 Уй Уяли Иш Бошқа
Манзил: _____

Исм №3: _____ Телефон: _____
 Уй Уяли Иш Бошқа
Манзил: _____

Фавқулодда боғланиладиган шахсга оид бошқа муҳим маълумотлар ёки телефон рақамлари: _____

2020-2021 ўқув йили учун Фавқулодда ёрдам шакли

Ўқувчининг юридик фамилияси

Ўқувчининг юридик исми

Тиббий маълумотлар

Қуйидаги саволларга жавоб бериш учун қўшимча жой керак бўлса, ушбу шаклнинг қуйи қисмидан фойдаланинг.

Фарзандингизда бўлиши мумкин қуйидаги ҳолатларнинг мосини белгиланг: Астма Диабет Эпилепсия Аллергиялар

(Дори/Озиқ-овқат) Бошқа ҳолат(лар): _____

Қайси дори/озиқ-овқатга аллергия борлигини санаб ўтинг: _____

Фарзандингиз ҳозирда қабул қилаётган БАРЧА дори-дармонларни санаб ўтинг: _____

Фарзандингизнинг тиббий сўғуртаси борми (CHIP, Medicaid ёки шахсий)? Ҳа Йўқ

Талаб этиладиган вакциналар

7–12 синфлардаги барча ўқувчилар Tdap вакцинаси ва Menactra (менингит MCV4) вакцинаси билан эмланиши шарт. Фарзандингиз ушбу вакциналарни қабул қилганми? Ҳа Йўқ

Агар қабул қилмаган бўлса, фарзандингиз ўқишдан четлатилишининг олдини олиш учун фарзандингиз ушбу вакциналарни қабул қилганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

Штат талаб қиладиган тиббий кўрик

Пенсильвания ҳамдўстлиги K-1, 6 ва 9 синфлардаги барча ўқувчилар тиббий текширувдан ўтишларини талаб қилади. Тиббий текширув фарзандингизга бепул тақдим этилади ёки текширув оилавий шифокорингиз ёки шифохона томонидан амалга оширилиши мумкин. Агар фарзандингиз K-1, 6 ёки 9 синфда ўқиса, қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Мен фарзандимнинг тиббий кўриги Мактаб округи томонидан ўтказилишини хоҳлайман. Ҳа Йўқ

2. Мен фарзандимнинг тиббий текшируви оилавий шифокоримиз ёки шифохонада амалга оширилиб натижалари мактаб ҳамширасига юборилишини хоҳлайман. Ҳа Йўқ

Изоҳ: Тиббий кўрик натижаларини мактаб ҳамширасига ушбу ўқув йилининг **31 октябрь** кунигача юборинг.

Фарзандим даволанишига розилик бериш

Биринчи ёрдамга қўшимча равишда мактаб ҳамшираси/фельдшери фарзандимни қуйидагилар билан даволаши мумкин. Ҳар бири учун Ҳа ёки Йўқ жавобини белгиланг:

Тайленол Ҳа Йўқ
(Ацетаминофен)

Йўқ

Антацид Ҳа Йўқ
(Жиғилдон қайнашига қарши дорилар ва ҳ.)

Бенадрил Ҳа Йўқ
(Аллергияга қарши дорилар)

Ибупрофен: Ҳа Йўқ
(Адвил/Мотрин)

Мен мактаб ҳамшираси фарзандимга юқоридагиларга "Ҳа" жавоби берилган БАРЧА дориларги беришига рухсат бераман. Мен шунингдек ушбу шаклда тақдим этилган маълумотлар рост эканини ва билишимча ва ишонимча тўғри эканини тасдиқлайман. Мен нотўғри маълумот бериш 18 Pa. C.S.A. §4904 қонунига кўра жазога тортилиши мумкинлигини тушунаман.

Ота-она/васийнинг имзоси (Тўлиқ исм-шариф): _____ Сана: _____

Қўшимча маълумот (Тиббий ҳолатлар, аллергиялар ва ҳоказо): _____

Уйдаги тилга оид сўровнома

Инсон ҳуқуқлари бошқармаси (ИХБ) мактаб округлари/чартер мактаблари/профессионал техник таълим даргоҳларидан инглиз тилини яхши билмайдиган ўқувчиларни аниқлаш ва уларга тилга оид махсус таълим дастурини тақдим этишни талаб этади. Пенсильвания штати Уйдаги тилга оид сўровномани аниқлаш услуби сифатида танлаган.

Ўқувчининг асосий тили: _____

Ўқувчи қўшимча тилда ҳам сўзлаша оладими? (Мактабда ўрганилган тиллар бунга кирмайди): Ҳа Йўқ

Мактаб округи билан қайси тилда алоқа қилишни танлайсиз? _____

FERPA қонуни релизи

Сиз Мактаб округига фарзандингиз ҳақидаги маълумотларни тарқатишга рухсат берасизми? Ҳа Йўқ

Танловингизни белгиланг:

- Мен фарзандимни юқорида айтилгани каби расмга/видеога туширишларига рухсат бераман.
- Мен фарзандимни юқорида айтилгани каби расмга/видеога туширишларига рухсат бермайман.

Ҳарбий ёлланишдан воз кечиш

Ўқувчининг маълумотлари ҳарбий ёлловчи ходимларга тарқатилмаслиги учун ушбу сўров ҲАР ЙИЛИ амалга оширилади. Агар фарзандингиз маълумотларини ҳарбий ёлловчи ходимларга берилишини **ХОҲЛАМАСАНГИЗ** бу ерни танланг.

ТАРҚАТИЛМАСИН.

COVID-19 га чалинишни чеклаш бўйича ташувчи автобус протоколлари

Оилалар ва ўқувчилар касаллик аломатларидан огоҳ бўлишлари лозим. Ўқувчиларда ёки уларнинг оила аъзоларидан бирида гриппга ўхшаш аломатлар ёки ижобий COVID натижаси чиққан бўлса, ўқувчилар уйда қолишлари ва мактаб транспортдан фойдаланмасликлари лозим.

1. Ўқувчилар битта ўриндиқда биттадан, ойнага яқин томонда ўтиришлари лозим. Ўқувчилар автобус ҳаракатланаётган пайтда ўтириб ва сокин кетишлари лозим. Ўқувчилар сафар пайтида юзлари билан олдинга қараб, оёқларини олдинда ва автобус йўлакчасига чиқармасдан ўтиришлари лозим.
2. Ўқувчилар автобусга чиқиш пайтида орқадан олдинга қараб ўтириб тўлдирадилар ва автобусдан тушишда орқадан олдинга қараб тушадилар.
3. Ўқувчилар фақатгина махсус тўхташ жойида автобусга чиқиб тушадилар.
4. Ўқувчилар белгиланган жойда ўтиришдан бош тортмасликлари ва бошқаларнинг ўтиришига монелик қилмасликлари лозим. Ушбу ўриндиқлар ижтимоий масофаланишга кўра ва тўлдириш тартибига кўра белгиланган. Ўқувчилар орқадан олдинга қараб ўтиришлари лозим.
5. Ўқувчилар тиббий ҳолатларига қараб тақиқланмаган бўлса, доимий равишда ниқоб тақишлари шарт.
6. Ўқувчилар автобусда юришга оид ўқувчиларнинг ахлоқ кодексига амал қилишлари лозим.

COVID19 шароитида автобусда ахлоқ кодексига амал қилмаслик учун белгиланган оқибатлар

1. Автобусда ахлоқ талабларига амал қилмаслик ҳисоботи тузилади ва мактаб директорига юборилади. Директор ўқувчини огоҳлантиради ва ҳисоботнинг нусхасини ўқувчининг ота-онаси ёки васийига юборади.
2. Автобусда ахлоқ талабларига амал қилмаслик ҳисоботи тузилади ва мактаб директорига юборилади. Ўқувчи автобуснинг олдинги қаторига ўтказилади. Директор ўқувчини огоҳлантиради ва ҳисоботнинг нусхасини ўқувчининг ота-онаси ёки васийига юборади.
3. Автобусда ахлоқ талабларига амал қилмаслик ҳисоботи тузилади ва мактаб директорига юборилади. Ўқувчи беш (5) кунга автобусдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Мактаб директори ўқувчининг ота-онаси ёки васийини огоҳлантиради.
4. Автобусда ахлоқ талабларига амал қилмаслик ҳисоботи тузилади ва мактаб директорига юборилади. Ўқувчи ўн (10) кунга автобусдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Мактаб директори ўқувчининг ота-онаси ёки васийини огоҳлантиради.
5. Автобусда ахлоқ талабларига амал қилмаслик ҳисоботи тузилади ва мактаб директорига юборилади. Ўқувчи ўқув йили охиригача ёки тегишли муддатга автобусдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Мактаб директори ўқувчининг ота-онаси ёки васийини огоҳлантиради.

***Агар ўқувчи автобусдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилса, ота-она ёки васий ўқувчини мактабга ташиши ёки ўқувчини онлайн ўқишга ўтказиши мумкин.**

***Қийналадиган Махсус таълим ва Эрта аралашув дастури ўқувчилари хулқ-атвор масалаларида тегишли дастур (PSE) ходимларига ўтказилади.**

Менинг қуйидаги имзом менинг, яъни ота-она/васий, автобусдан фойдаланиш тартиб-қоидаларини тушунишимни ва уларни фарзандим билан муҳокама қилганимни ҳамда оқибатлардан хабардор эканимни англатади. (Илтимос, қуйида имзоланг)

Ота-она/Васий имзоси: _____

Сана: _____

Ўқувчининг исми ва фамилияси: _____

Ўқувчининг мактаби: _____

COVID-19 га оид саломатлик ва хавфсизлик чоралари

Ушбу ўқув йилида ўқувчилар ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун янги COVID-19 текширувлари ва протоколлари қўлланилади. Қуйидаги маълумотларни яхшилаб ўқиб чиқинг ва огоҳлигингизни тасдиқлаш учун рақамли инициалларингизни киритинг.

Кундалик олдиндан текшириш ва мактаб хавфсизлик тартиб-қоидалари

Фарзандим мактаб биносига борганда мен қуйидагиларни тушунаман:

- Мендан фарзандимда ҳар куни мактабга юборишдан олдин COVID-19 текширувини ўтказиш сўралиши мумкин. Текширув қуролини www.pghschools.org/screeningtoolдан топиш мумкин
- Фарзандим бинога кираётганда унинг тана ҳарорати ўлчаниши мумкин.
- Фарзандим бинога кираётганда унга бир неча текширувга оид саволлар берилиши мумкин.
- Менинг фарзандимдан мактабда ўтказган куни давомида ниқоб тақиш талаб этилади (Бу талаб 2 ёшдан катта барча ўқувчиларга нисбатан қўлланилади. IEPs ёки 504 режалари асосида ўқитиладиган ўқувчиларга махсус қулайликлар яратилади).
- Менинг фарзандим дарслардан олдин ёки кейин, мактаб ичида ёки ташқарисида бошқа ўқувчилар билан тўпланиб келишига рухсат этилмайди.

Мактабда COVID-19 аломатлари

Агар фарзандимда мактабда бўлган пайтида COVID-19 аломатлари аниқланса, мен қуйидагиларни тушунаман:

- Менинг фарзандим мактаб ҳамшираси ёки бошқа чақирилган тиббиёт ходими томонидан текширилади.
- Мен фарзандимни зудлик билан олиб кетгимизча фарзандим махсус карантин хонасида ушлаб турилади.
- Менга асосий телефон рақамимга ва барча фавқулодда боғланиш учун рақамларимга фарзандимни зудлик билан олиб кетиш учун қўнғироқ қилинади.
- Мендан фарзандимнинг шифокори билан боғланиш сўралади.
- Мен COVID-19 тести натижаларига қараб фарзандимни 10-14 кун уйда сақлашим ва 72 соат аломатларларсиз бўлгунча уйда бўлишини таъминлашим керак.

Ижобий COVID-19 ҳолати протоколлари

Агар фарзандимнинг мактабда ижобий COVID-19 ҳолати юз берса мен қуйидагиларни тушунаман:

- Менга ижобий чиққан натижа ҳақида асосий телефонимга хабар берилади.
- Фарзандимнинг мактаби тозаланади ва бошқа касаллик юққан бўлиши мумкин бўлган ўқувчи ва ходимларни аниқлаш учун касаллар алоқа қилган шахслар текширилади.
- Фарзандимнинг мактаби 2-5 кунга ёпилади ва фарзандим уйдан туриб ўқийди.
- Мендан фарзандимнинг шифокори билан боғланиш сўралиши мумкин.
- Ижобий натижа чиққандан сўнг мактабга қайтган фарзандим 10-14 кун давомида бинога киришда текширилиши мумкин.

Ота-оналарнинг мактабга ташрифлари

Мен фарзандимнинг мактабига ташриф буюришим лозим бўлса, мен қуйидагиларни тушунаман:

- Учрашув белгилаш учун мен олдиндан қўнғироқ қилишим лозим
- Фарзандимнинг мактабига киришдан олдин текширувдан ўтказиламан.
- Асосий бино ёки кириш жойидан бошқа жойларга ташриф буюришимга рухсат этилмайди.
- Мен мактаб ичида ёки ташқарисида бошқа ота-оналар, ходимлар ёки ўқувчилар билан тўпланиб ташриф буюришимга рухсат этилмайди.

Транспортдан фойдаланиш (Сариқ автобус/минивэн)

Агар фарзандингиз мактаб округи транспортдан фойдаланса, ҳар бир ўқувчидан талаб этиладиган COVID-19 ҳолатида ўқувчиларнинг транспортдан фойдаланиш ахлоқи кодекси билан танишиб чиқинг.

Мен COVID-19 ҳолатида ўқувчиларнинг транспортдан фойдаланиш ахлоқи кодекси билан танишиб чиқдим ва қуйидагиларни тушунаман:

- Менинг фарзандим автобус ёки маршрутқада ниқоб тақиши лозим (Бу талаб 2 ёшдан катта барча ўқувчиларга нисбатан қўлланилади. IEPs ёки 504 режалари асосида ўқитиладиган ўқувчиларга махсус қулайликлар яратилади).
- Фарзандимга автобусда/минивэнда у ҳар куни фойдаланиши лозим бўлган алоҳида ўрин ажратилади.
- Фарзандим автобус/минивэнда ажратилган ўриндиқда ойна томонда ўтириши лозим.

Технологиядан фойдаланиш қоидалари шакли

Ноутбук, iPad ёки кириш нуқтаси берилган барча ПДМ ўқувчилари учун

Кириш

Биз Питсбург давлат мактабларидаги (ПДМ) ўқувчиларимизга барча округ технологияларидан фойдаланишда хавфсиз, барқарор ва самарали техник имкониятлар таклиф этаётганимиздан мамнунмиз. Мактаб округи биздаги мактабларнинг тўлиқ портфели орасида ҳар бир ўқув ҳамжамиятига хос бўлган техник имкониятларнинг кенг даражасини тақдим этишни мақсад қилган. Ушбу имкониятларга 1 га 1 ноутбук, планшет ёки ўқувчиларнинг шахсий техникаларини олиб келиш учун муҳит билан таъминлаш, синф ноутбуклари, стол компьютерлари ёки планшетларидан фойдаланиш, ҳамда самарали ишлаш ва синовлар учун лабораториядан фойдаланиш имкониятини ўз ичига олади. Технологиялар ўз ичига яна симли ва симсиз интернетга, округ принтерлари, сканерлари ва бошқа қурилмаларга уланиш имкониятини олади.

Ўқувчилар ва уларнинг оилалари мактаб округининг технологияларини авайлаш ва тўғри фойдаланиш бўйича қоидаларига амал қилишлари лозим. ПДМ қурилмаларидан нотўғри фойдаланиш мактаб ихтиёрига қўра ушбу имтиёздан маҳрум қилинишга олиб келиши мумкин. Зиён этиши ёки йўқотилишга олиб келиши мумкин бўлган қасддан ёки эътиборсизлик билан фойдаланиш учун ўқувчи ва унинг оиласи жавобгар бўлади ҳамда ҳар бир шундан ҳолат алоҳида ўрганиб чиқилади ва мактаб округи ва оила ўртасида келишув мавжуд бўлсагина молиявий жазо қўлланилади.

Нотўғри фойдаланиш мактаб округи қурилмаларидан фойдаланиш рухсатининг бекор қилинишига олиб келиши мумкин, бу эса академик ўзлаштиришга таъсир этиши мумкин. Биз ҳар бир ўқувчи ва оиладан мактаб округи қурилмаларидан фойдаланишга жиддий қарашни сўраймиз, чунки замонавий ўрганиш технологиялари ўрганувчига, унинг оиласи ва мактаб ҳамжамиятига кенг доирада фойда келтиради.

Ҳар бир ПДМ ўқувчиси мактаб округининг компьютер тармоғи ресурсларига кириш, электрон почта ва интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлади. Ушбу ресурслардан фойдаланиш учун барча ўқувчилар ПДМ фойдаланиш қоидалари сиёсатига розилигини билдириш мақсадида ушбу шакли имзолаб қайтариб беришлари лозим. Ота-оналар, илтимос, ушбу ҳужжатни яхшилаб ўқиб чиқиб тўлдиришлар, унинг матнини фарзандингиз билан ўрганиб чиқинлар ва керакли жойларини имзоланлар. Ушбу рухсат шакли ёки компьютер тармоғига оид ҳар қандай саволлар ёки хавотирларни мактаб маъмуриятига билдириш мумкин.

Тегишли технологиядан фойдаланиш сиёсатларининг нусхаларини Boards 900 ҳужжатлари сериясидан топиш мумкин бўлиб, ундан Ўқувчининг ахлоқ кодекси, Интернетдан хавфсиз фойдаланиш қоидалари, Тармоқдан фойдаланиш қоидалари ва Мобил ҳисоблаш қоидалари каби мавзулар ўрин олган.

Қоидалар: Умумий фойдаланиш

- Стол компьютери, ноутбук ёки планшетнинг локал конфигурациясини ўзгартириш МУМКИН ЭМАС.
- Ҳар қандай мактаб округи қурилмасининг шаклини ёки ташқи кўринишини ўзгартириш МУМКИН ЭМАС.
- Ўзининг фойдаланувчи ҳисобингиздан бошқа логин ёки паролдан фойдаланиш МУМКИН ЭМАС.
- Фойдаланувчилар маъмур томонидан рухсат этилмагунча қуйидагиларни амалга оширишлари мумкин эмас:
 - Ноутбукка бепул дастурлар, пулли дастурлар, оммавий домен ёки бошқа дастурий таъминотларни жойлаштириш ва/ёки ўрнатиш.
 - Шахсий мусиқа, видео ёки ўйинларни ўрнатиш ва/ёки ўйнаш.
 - Ноутбукка ўрнатилган рухсат этилмаган дастурлардан фойдаланиш.
- Ҳар қандай зиён ҳақида, у тасодифий ёки тасодифий бўлмаса ҳам дарҳол хабар бериш.
- Ҳар қандай ҳолатда ҳам ПДМ хавфсизлик ёки контент филтрларини айланиб ўтишга ўриниш МУМКИН ЭМАС.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ПДМ қурилмаси ёнида овқат еманг ёки суюқлик ичманг.

Қоидалар: Тармоқдан фойдаланиш

Тармоқ ўқувчиларга илмий тадқиқот олиб бориш, вазифаларни бажариш, бошқалар билан алоқа ва ҳамкорлик қилиш учун тақдим этилади. Эътибор ва маъсулият билан фойдаланишга рози бўлган ўқувчиларгагина тармоқдан фойдаланишга рухсат берилади. Ўқувчилар мактаб компьютер тармоғидан худди синфда ёки коридорда бўлганлари каби яхши хулқ билан фойдаланиш учун масъулдирлар.

Технологиядан фойдаланиш қоидалари шакли

Ноутбук, iPad ёки кириш нуқтаси берилган барча ПДМ ўқувчилари учун

Қоидалар: Тармоқдан фойдаланиш (давони)

Тармоқдан фойдаланиш бу ҳуқуқ эмас, балки имтиёздир. Шундай экан, ахлоқ ва алоқага доир умумий мактаб қоидалари қўлланилади ва фойдаланувчилар мактаб округи стандартларига риоя этишлари ва имзолаган келишувларни ҳурмат қилишлари лозим. Ушбу стандартларни тушунтиришдан ташқари мактаб округи тармоқдан фойдаланувчи шахсларнинг алоқаларини чеклаш, кузатиш ва назорат қилиш учун жавобгар эмас.

Веб контент мавжуд стандарт хавфсизлик чоралари ёрдамида филтрланади, ammo алал оқибат интернетдан фойдаланиш учун маъсулият ўқувчининг бўйнида бўлади. Ўқувчилар бирор нарсага хато натижасида кирган ёки бирор кор-ҳол юз берган ҳар қандай ҳолатда бу ҳақда ўқитувчи ёки маъмурият вакили билан гаплашиши лозим.

ПДМ Ахборот ва технологиялар бошқармаси тизим яхлитлигини ва фойдаланувчилар тизимдан оқилона фойдаланаётганларини таъминлаш учун файллар ва алоқаларни текшириши мумкин. Фойдаланувчилар мактаб округи серверида ёки ушбу компьютерда сақланган файлларни шахсий деб қабул қилмасликлари лозим. Қўйидаги ишларнинг ҳар қандай тақиқланади ва ўқишдан ҳайдалишга олиб келиши мумкин:

- Тармоқ маъмурининг рухсатисиз компьютернинг хавфсизлик тизимига синаб кўриш ёки муаммо ҳақида хабар бериш мақсадида кириш.
- Рухсат этилмаган маълумотлар ёки файлларга кириш, уларни ўзгартириш ёки зарар етказиш.
- Иш станциялари ёки серверларга қасддан вирус дастурларини киритиш ва/ёки ёйиш.
- Бошқаларнинг ноутбуки, файллари ва/ёки лойиҳаларига қасддан зарар етказиш.

Интернет/Дунё тармоғи/Электрон почтадан фойдаланиш

Интернет ва электрон почтага кириш ўқувчиларга минглаб кутубхоналар, маълумотлар базалари ва веб ресурслардан фойдаланиш имконини беради. Маълум даражада, сўз эркинлиги ва ахборотлардан фойдаланиш эркинлиги ҳурмат қилинади. Оилалар шундан хабардор бўлишлари лозимки, Интернет орқали кириладиган айрим материаллар ноқонуний, тўхмат қилувчи, нотўғри ёки айрим инсонларга нисбатан ҳақоратомуз бўлиши мумкин. Бизнинг мақсадимиз Интернетдан таълим мақсадларида фойдаланишни таъминлаш бўлсада, ўқувчилар бошқа материалларга кириш йўллари топишлари мумкин. Тизимларимизда махсус филтр дастурлари қўлланилади, ammo ҳеч қайси филтр Интернетдаги ноўрин материалларни 100% блоклай олмайди.

Ходимлар, ўқувчилар ва ота-оналар шундан бохабар бўлишлари лозимки, Интернет орқали амалга оширилган айрим ҳаракатлар штат ёки федерал органларининг текширувига олиб келиши мумкин ва ПДМ Ахборот ва технологиялар бошқармаси талаб этилганда ушбу органлар билан тўлиқ ҳамкорлик қилади.

Ишончимиз комилки, ўқувчиларга Интернет орқали келадиган ахборот ресурслари ва ҳамкорлик имкониятлари шаклидаги фойдалар ҳар қандай зарарлардан устун бўлади. Алал оқибат, кичик шахсларнинг ота-оналари ва васийлари уларнинг фарзандлари медиа ва ахборот ресурсларидан фойдаланганда амал қилишлари лозим бўлган стандартларни ўрнатиш ва етказиш учун масъулдирлар. Шу мақсадда, ПДМ ҳар бир оиланинг ушбу технологиялардан фойдаланишга қарор қилишга оид ҳуқуқини қўллаб-қувватлайди ва ҳурмат қилади.

Ноутбуклар, стол компьютерлари, планшетлардан фойдаланиш:

Мактабда компьютерлардан фойдаланишга нисбатан қўлланиладиган қоидалар айрим мактаб ҳамжамиятларида уйга олиб кетишга рухсат этилган компьютерлар ёки қурилмаларга нисбатан ҳам қўлланилади. Барча соламанлар ноутбук мактабдан олиб чиқилган пайтда бўлгани каби конфигурацияга эга бўлиши лозим. Ноутбукка оид муаммолар ҳақида мактабга қайтиб келинган заҳоти уни топширган ўқитувчига хабар берилиши лозим. Очиқ-ойдин эътиборсизлик, ҳурматсиз муносабат ёки нотўғри фойдаланиш сабабидан ташқари сабабга кўра машинага етказилган зарар ПДМ томонидан қопланади.

Айрим ҳолатларда, ота-оналар ва оилаларга зарар етказилган вазиятни муҳокама қилиш учун чақирилиши ва агар ўртада келишув бўлган бўлса, очиқ-ойдин эътиборсизлик ва нотўғри фойдаланганлик учун жавобгарликка тортилишлари мумкин. Умумий фойдаланиш, тармоқдан ва Интернетдан фойдаланиш бўйича бошқа барча қоидаларга амал қилиниши лозим.

Технологиядан фойдаланиш қоидалари шакли

Ноутбук, iPad ёки кириш нуқтаси берилган барча ПДМ ўқувчилари учун

Хавфсизлик

Ўқувчилар ва ота-оналар қуйидагилардан бохабар бўлишлари лозим:

- Барча ПДМ қурилмалари ва тизимлари хавфсизлик ва фойдаланишга оид текширувдан ўтказилиши мумкин, шу сабабли мактаб округи тизимлари ва усқуналаридан фойдаланганда шахсий дахлсизликни талаб қилиш мумкин эмас.
- Интернет орқали амалга оширилган айрим ҳаракатлар штат ёки федерал органларининг текширувига олиб келиши мумкин. ПДМ талаб этилганда ушбу органлар билан тўлиқ ҳамкорлик қилади.
- Мактаб округи қурилмаларидан фойдаланганда ПДМ тизимнинг барча функцияларини ёзиб олади — веб тарихи, ўрнатилган ёки ўрнатишга уринилган дастурлар ва электрон почта/веб алоқа хатлари.
- Қурилмалардан ёқиладиган видео камера ва аудио тизим функциялари.

Тўғри фойдаланиш

Ўқувчилар ҳар қандай мактаб округи қурилмаларини — ноутбук, планшет ёки бошқаларни — парталар орасида, бошқа синф хоналарига кирганда ва уйда фойдаланганда доимо икки қўлда кўтариб юришлари лозим. Агар қурилма уйга пиёда, автомобилда ёки автобусда кетаётган ўқувчи томонидан ташиб кетилаётган бўлса, улар манзилга етиб олгунча кейслари ичида олиб кетилиши лозим. Ўқувчилар доимо мактаб округи қурилмалари қаерда эканини билишлари лозим.

Соғлом фикрлаш

Ҳозирга шароитда биз ўқувчилар ва оилалардан ПДМ томонидан тақдим этилган хизматлар ва қурилмаларнинг яхлитлигини ҳимоя қилишда соғлом фикрлашларини сўраймиз. Биз ўз минтақамизда фойдаланишимиз мумкин бўлган қурилмалар ва хизматларни тақдим этаётганимиздан фахрланамиз ва ўз имконият ва таклифларимизни янада ошириш устида тинмай ҳаракат қиляпмиз. Салоҳиятимизни кенгайтириш имконияти асосан ўзимизнинг жорий сармояларимизни ҳимоя қилиш ва ҳозирда ўқувчиларимиз ва оилаларга тақдим этилган қурилмалардан фойдаланишни кучайтиришга боғлиқ. Хушмуомала бўлинг. Фикр юритинг. Усқуналаримиз ва хизматларимиздан келажакда яна кўплаб йиллар давомида фойдаланиш имкониятини таъминланг.

Ахборот технологиялари бошқармаси фойдаланиш қоидалари шакли Барча ПДМ ўқувчилари учун мажбурий

Питсбург давлат мактабларининг фойдаланиш қоидалари сиёсатини ўқиб чиқинг. Ушбу сиёсат билан танишиб чиққандан сўнг айтиб ўтилган шартларга розилигингизни билдириш учун ушбу шаклни тўлдириш.

Ўқувчиларга ҳар қандай ПДМ компютери ёки технологик ресурслардан фойдаланишга рухсат беришдан олдин ўқувчи ва ота-она/васийнинг имзолари талаб этилади. Ушбу шаклни тўлдириш Питсбург давлат мактабларидаги ўқувчилардан ҳар йили талаб қилинади. Ушбу ҳужжат бутун келишувни ва барча томонларнинг тушунишини қамраб олади.

Ўқувчи шартномаси

Питсбург давлат мактабларига тегишли компютер, тармоқ ва Интернет хизматларининг фойдаланувчиси сифатида, мен, фойдаланиш қоидалари сиёсатини ўқиб чиққанимни ва унга амал қилишимни тасдиқлайман.

Ўқувчининг исми: _____ Туғилган санаси: _____

Ўқувчининг имзоси: _____ Сана: _____

Мактаб: _____ Синфи: _____

Ота ёки она ёки ҳуқуқий васий шартномаси

Юқорида имзо чеккан ўқувчининг ота-онаси/ҳуқуқий васийси сифатида, мен фарзандимга Интернет, глобал ўргимчак тармоғи ва электрон почта каби тармоқ компютер хизматларидан фойдаланишга рухсат берман.

Ундан ташқари, менинг фарзандим мактаб округи тақдим этган хизматлар ва қурилмалардан тўғри фойдаланишини таъминлашдаги масъулиятимни тан оламан. Мен Питсбург давлат мактабларининг фойдаланиш қоидалари сиёсатини ўқиб чиқиб унга розилик билдираман ҳамда бирор интизомий жазо талаб этилганда менинг фарзандим қилган қоидабузарлик учун жавобгар эканимни тушунаман. Тегишли жараёнлар доимо тан олинадиган ва иккала томоннинг ўзаро келишувисиз ҳеч қандай молиявий жазолар қўлланилмайди.

Ундан ташқари, мен, Интернетдаги айрим материаллар зарарли эканини тушунаман; шу сабабли, мен фарзандимни тўғри йўлга бошлаш ва ахборотларни танлашда, ўрганишда ва тарқатишда керакли стандартларга амал қилишини таъминлаш учун жавобгарликни қабул қилишга розиман.

Мен шунингдек шуни тан оламанки, мактаб округи барча ПДМ ўқувчилари учун контент филтрларини қўллаш ҳамда хавфсиз, ишончли ва маҳсулдор иш муҳитини яратиш учун барча чораларни кўради.

Ундан ташқари, мен, қурилма, фарзандим ПДМ тақдим этадиган синхрон ўрганиладиган дарсларга кириши учун видео ва аудио функциялар билан жиҳозланганини тушунаман.

Ота ёки онанинг исми: _____ Сана: _____

Ота ёки онанинг имзоси: _____

Ўқувчи ID рақами: _____ FAS#: _____

(Мактаб округи берган қурилманинг орқаси ёки қуйи қисмида жойлашган)